

ЗОМИНСУВ ҲАВЗАСИДА БАЛАНДЛИК МИНТАҚАЛАРГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Умирзоқова Гулбаҳор

Жиззах Давлат Педагогика Институтининг География йўналиши магистранти

Лапасова Умринсо

Жиззах Давлат Педагогика Институтининг География йўналиши магистранти

DOI – <https://doi.org/10.37547/builders-06>

Аннотатсия: Зоминсув ҳавзасида баландлик минтақаларга боғлиқ ҳолда экотуристлик маршрут йўналишларини аниқлаш ва схематик карталарини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сузлар: Зоминсув ҳавзаси, экотуризм, баландлик минтақалари, маршрут йўналишлари, Супа баландлиги, Чортанги дараси, тоғ-чанғи туризми.

КИРИШ

Туркистон тизмасининг Шовқортоғ, Зоминтоғ ва Молгузар тоғларидаги қор ва музларнинг эриши ҳамда кўплаб булоқ сувларнинг ўзаро қўшилишидан Зоминсув дарёси ҳосил бўлади. Зоминсув ҳавзаси Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида денгиз сатҳидан 550 м дан 4300 м гача бўлган баландликда жойлашиб, ўзининг ноёб табиий шароити бўйича атрофидаги тоғли ҳудудлардан кескин фарқ қилади ва аниқ табиий чегарага эга. Туркистон тизмасининг шу ҳудуди, ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, юмшоқ иқлим ва барқ урган хилма-хил ўрмон ҳамда ўтлоқ ўсимликлари билан қопланган. Паст, ўрта ва баланд тоғлардан то қорли чўққиларгача (Шовқортоғ-4030 м) жуда кўп хилма-хил экотик ландшафтлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу ерда экотуризмнинг барча турларини ривожлантириш учун ниҳоятда катта имкониятлар бор. Бу ҳудуднинг катта қисми Зомин миллий табиат боғига тегишлидир.

Зоминсув ҳавзасининг жанубий чегараси Туркистон тизмасининг сувайирғичлари ва Бойқўнғир сойи бўйлаб, шимолий чегараси эса Молгузар тоғларининг шимолий ёнбағирларидан ўтади. Зоминсув ҳавзаси маъмурий жиҳатдан Жиззах вилоятининг Зомин ва Бахмал туманлари ҳудудида жойлашган.

BUILDERS OF THE FUTURE

XX аср бошларида Зоминсув ҳавзаси табиатини муҳофаза қилиш мақсадида дастлаб, Сангзор, Бахмал, Зомин ўрмон хўжаликлари ташкил қилинган. Кейинчалик ушбу ўрмон хўжаликлари асосида 1925-1926 йилларда 8500 гектарга яқин майдонга Ғуралаш қўриқхонаси барпо этилди. Бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги биринчи қўриқхона эди. Зоминсув ҳавзасида аҳоли сонининг кўпайиши билан қўриқхона атрофида ўрмонлар кўплаб кесила бошланди ва чорва моллар боқилиши атроф-муҳит табиатига жиддий зарар етказди. Ушбу жой табиатини сақлаб қолиш мақсадида 1959 йил 15600 гектар майдонга эга бўлган Зомин қўриқхонаси ташкил қилинди, кейинчалик Ҳудуд майдонига атрофлардан 31500 гектар ер қўшилди ва 1978 йил Зомин қўриқхонаси Зомин миллий боғига айлантирилади.

Зоминсув ҳавзасининг иқлими шу Ҳудудда 2100 м баландликда жойлашган Кўлсой метостанция маълумотларига асосланилади. Зоминсув ҳавзаси иқлими учун салқин ва нам ёз фасли ўртача совуқ қиш фасли хос. Ёзда энг юқори ҳарорат 33°C гача кўтарилади. Бу Жиззах шаҳрига нисбатан таққослаганда 12°C паст ҳисобланади. Лекин, қишда ҳаво ҳарорати -32°C га пасайганлиги кузатилган. Вегетация даври 240 кунга қадар давом этади ва йил довомида ҳароратлар йиғиндиси 2260°C ни ташкил қилади. Вегетация даврининг анча узоқлиги ва салқин об-ҳаво шароити ўсимликларнинг хилма-хиллигини таъминлайди. Йиллик ўртача ёғин 405 мм бўлиб, унинг 63 % баҳорда, ёзда 17 %, кузда 14 % ва қишда 16 % тушади. Қор қатламининг қалинлиги 50 см га етади ва йил довомида 120 кун эримасдан туради. Қорнинг қалинлиги ва узоқ ётиши тупроқ грунт қатламининг яхши намланишига сабаб бўлади ва шу сабабли, ҳам арча ва бошқа дарахт - буталар яхши ривожланади.

Зоминсув ҳавзасида 3 та ўсимлик баландлик зоналари бир-биридан ажралиб туради 1) тоғ дашт; 2) ўрмон; 3) баланд тоғ ўтлоқлари. Тоғ дашт баландлик зонаси 1300-2300 м баландликларни эгаллайди. Асосан энг кўп тарқалган ўсимлик турлари буғдойиқ, чалов, қўнғирбош, Туркистон қиёғи, арпағон ва бошқалар.

Ўрмон зонаси 2100-2700 м баландликларда тарқалган ва асосан арчалардан таркиб топган. Арчалар 3 турга мансуб: Зарафшон, Туркистон ва яримшарсимон (даур) арчалари. Арчалар билан шамшод, шумтол, дўлана, учқат, наматак, ёввойи бодом ва бошқалар тарқалган. Ўрмонлардан очиқ майдонда ўт қоплами жуда бой ва хилма-хил. Бунда буғдойиқ ва чалов билан бирга тоғ райхони, тоғ ялпизи, шувоқ, тоғ пиёзи, чиннигул ва бошқалар қалин қопламни ҳосил қилади.

BUILDERS OF THE FUTURE

Тоғ ўтлоқ зонаси 2700 м дан юқорида жойлашган бўлиб, тоғ ксерофитлари ёстиқсимон шаклга эга бўлиб, намлик етишмайдиган тошлоқ муҳитда ривожланади. Энг кўп тарқалган турлар акациясимонлардан, каррак ва шувоқлардан иборат.

Зоминсув ҳавзасининг баландлик зонасида шу зонага мос тупроқ ва ҳайвонлар ҳам тарқалган. Зоминсув ҳавзасида чуқур даралар ва ўткир қиррали баланд тизимлар нисбатан кам парчаланган супасимон қирлар, оҳактошдан тарқалган жойларда турли хил карст шакллари, гранит тоғ жинслари тарқалган жойларда ёстиқсимон тарқалган харсанглар ва бошқа хилма-хил шаклларнинг ёнма-ён жойлашганлиги, бу ҳудудда туризмнинг турли соҳаларини ривожланишга катта имкониятлар яратади. Бу ерда пиёда, от туризими, турли хил спорт туризмлари ва алпинистик туризм турлари ривожлантириш учун барча шароитлар бор. Қиш ойларда эса 2300-2500 м баландликларда жойлашган “Супа” баландлигида тоғ-чанғи туризими ташкил қилиш мумкин.

Ҳавзадаги энг ҳушманзара ландшафтларидан бири Зоминсув дарёсининг юқори оқимидаги “Супа” ясси тоғлигидир. “Супа” ясси тоғлиги денгиз сатҳидан 2300-2500 метр баландликда икки ярус тарзида жойлашган бўлиб, ғорлар билан ўйилиб, ўнқирлар ҳосил қилинган. Супанинг тубида Кўлсой ҳайқириб оқади ва дара табиатини янада кўркамлаштиради. Даранинг қўйи қисмида эса тик қоя деворлари 300-400 м гача етади. Кўлсой дарасига тепадан қарасангиз зўрға кўзга ташланади ва кишини ўзига мафтун этадиган бу дара Зоминсув ҳавзасининг энг мафтункор жойларидан бири ҳисобланади.

Зоминсув дарёсининг Ўрикли, Қашқасув, Еттикечув, Обикўл ирмоклари ва Сангзор дарёсининг ғуралаш, Қизилсой сойлари Зомин миллий табиат боғи ҳудудидан оқиб ўтади. Ушбу сойлар Туркистон тизмасининг баланд ёнбағирларидан бошланади ва март-июнь ойининг охирига қадар тўлиб оқади. Ёз ойларида сув камаяди. Зомин миллий табиат боғи ҳудудида 100 дан ортиқ булоқлар мавжуд. Булоқ сувларининг минераллашиш даражаси 250-350 мг/л бўлиб, ўта тоза сувлар гуруҳига киради. Кўпгина булоқ сувлари шифобахш хусусиятга эга.

BUILDERS OF THE FUTURE

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, Зоминсув ҳавзасида баландлик минтақаларга боғлиқ ҳолда экотуризмни ривожлантириш учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар бериб ўтилмоқда:

- Зоминсув ҳавзаси ҳудудининг йирик масштаби ландшафт картасини тузиш ва ҳавзадаги ноёб табиат обидаларини кўрсатиб ўтиш;
- Зоминсув ҳавзасидаги ноёб табиат обидаларга борадиган маршрут йўналишларни аниқлаш, чизмада тасвирлаш ва батафсил тушунча берувчи матнни тайёрлаш;
- Зоминсув ҳавзасида баландлик минтақаларга боғлиқ ҳолда пиёда ва отда юрадиган маршрут йўналишларини ишлаб чиқиш;
- Зоминсув ҳавзасида баландлик минтақаларга боғлиқ равишда алпинистлар, тоғ спорт турлари билан шуғулланувчилар учун алоҳида-алоҳида ҳолда карта-схемалар тайёрлаш, унда спорт экотуризм объектларини кўрсатиш;
- Зоминсув ҳавзасида ҳамма туристик маршрутларни тасвирловчи ва реклама қилувчи рангли фотосуратли буклетларни тайёрлаш.

Адабиётлар

1. Алибеков Л.А. Зомин миллий боғи ва геоэкологик муаммолар ечимининг географик асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2013.
2. Оға Бургутли. Тоғ садолари. –Т.: “Меҳнат”, 1992 й.
3. Sharipov Sh, Shomurodova Sh, Gudalov M. The use of the mountain kars in the tourism sphere in cort and recreation zone of Chimgan-Charvak. Journal of Critical Reviews. Volume 7, Issue 3, 2020 Maleziya Kuala-Lumpur.
4. Ғўдалов М. Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. - Т.: “Фан ва технология”, 2014.
5. Ғўдалов М.Р., Мухамедов О.Л. Табиатни муҳофаза қилиш: муаммо ва ечимлар. Гулистон 2021.